



2017 йил 24 февраль

№ 46-19

**2017 йилда манзилли дастур
асосида қурилиши режалаштирилган
Савдо дўкони ва маиший хизмат
курсатиш биносини қуриш учун ер
майdonи танлаб ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 20-моддаси, Ер кодекси»нинг 6,26-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги №54-сонли «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида 2016 йил 9 августдаги «Узшаҳарсозлик ЛИТИ» ДУК билан келишилган №1-10/3115-сонли келишув хатини, Самарқанд вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2017 йил 14 февралдаги 131-сонли экологик экспертиза хулосасини, Нурабад тумани Нурбулоқ маҳалла фуқоролар йиғини ҳудудида яшовчи Сафаров Зоҳиджон томонидан, Нурабад туманининг 2017 йил манзилли дастур асосида қурилиши режалаштирилган Нурабад шаҳри Амир Темур маҳалла фуқоролар йиғини ҳудудидан туман ҳокимлиги захирасида бўлган 0.015 гектар ер майдонига Савдо дўкони ва маиший хизмат курсатиш биноси қуриш учун ер майдони танлаш ва ажратиш тўғрисида қарор чиқариб беришни сўраб ёзган аризаси ҳамда туман ҳокимининг 2011 йил 18 августдаги №81-Ф-сонли фармойишига асосан тузилган ер учаскасини танлаш бўйича ишчи комиссиясининг 2017 йил 18 февралдаги далолатномасини кўриб чиқиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Нурабад шаҳри Амир Темур маҳалла фуқоролар йиғини ҳудудидан туман ҳокимлиги захирасида бўлган 0.015 гектар ер майдонига Савдо дўкони ва маиший хизмат курсатиш биноси қуриш учун ер майдони танлаш ва ажратиш тўғрисида ишчи комиссиясининг 2017 йил 18 февралдаги далолатномаси тасдиқлансин.

2. Сафаров Зоҳиджонга куйидаги вазифалар юклатилсин:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 5 февралдаги №54-сонли қарориди кўрсатилган муддат ва талаби асосида АРТ (архитектура режалаштириш топшириғи) ҳамда лойиха хужжатларини айёрлаш.

-вилоят Давлат архитектура ва қурилиш назорат инспекциясидан қурилишни амалга оширишга рухсат олиб, қурилиш ишларини уч йил муддат ичида тугатиш:

-қурилган бино атрофида экологик ҳолатни сақлаш ҳамда ободончилик ишларини олиб бориш:

-тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида қурилишни амалга ошириш:

-қурилиш ишлари тугаши билан бинони фойдаланишга рухсат бериш учун туман ҳокимлигига муружаат қилиш:

3. Туман бош архитектору (Ж.Абдуллаев)га Сафаров Зоҳиджон томонидан тасдиқланган қурилишни лойиха асосида қуриш ишларини амалга оширилишини назорат қилиш топширилсин.

4. Ер участкасини натурага кўчириш ишларини “Ўз ГАШКЛИТИ” ДУК нинг вилоятдаги ваколатхонаси билан биргаликда амалга ошириш туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ж.Абдуллаев) ва туман “Ер ресурслари ва давлат кадастри” бўлими (Ф.Эргашев)лар зиммасига юклатилсин.

5. Сафаров Зоҳиджон томонидан уч йил муддат ичида тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида қурилиш ишлари амалга оширилмаса, ушбу қарор ўз кучини йўқотди деб ҳисоблансин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни туман ҳокимининг ўринбосари О.Джураев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими в.б



Б.Эргашов